

### “NAVOЙИ” TAХАЛЛУСИ ИМЛОСИ ВА БАДИЙ МАЪНО МИҚЁСЛАРИ

**Нусратулло Жумахўжа,**  
*филология фанлари доктори, Алишер  
Навоий номидаги Ўзбек тили ва  
адабиёти университети профессори*

Низомиддин Алишер тахаллусининг, аслида, “Навоий” эмас – “Навоий” ёзилиши тўғрисидаги муаммо энди кўтарилаётгани йўқ. Бу – исбот талаб қилмайдиган аён ҳақиқатлардан бири. “Навоий” ёзилиши тўғрилиги – жамоатчилик орасида, матбуот саҳифаларида ва яна айрим манбаларда тан олинган, ошкора эътироф этилган, амалда қўллаб келинган ҳақиқат. Масалан, ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси, буюк жадид Абдурауф Фитрат ўз асарларида тахаллусни аслидагидай қўллаган, асарларидаги тахаллус мустақиллик давридаги нашрларда ҳам аслича чоп этилди. Табиийки, бу улуғ олим онгли равишда шундай иш тутган. Жадидчилик солномаси бўлмиш бутун бошли “Аланга” журнали Навоий тахаллусини аслидагидай ёзган. Умуман, жадидлар даврида бу масалада кейинчалик оғиб кетиш ҳақида эҳтимол ҳам бўлмаган.

Профессор Ҳамид Сулаймон 1977 йили “Адабий мерос” илмий асарлар тўпламининг тўққизинчи сонида “Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида”ги мақоласида масалага манбашунос сифатида ёндашиб, уни тўғри ҳал этган эди. Ҳамид Сулаймон мақоласида ушбу ғалати машҳур – машҳур хатонинг келиб чиқиш тарихи шундай ёритилган: “1937 йилдан бошлаб, 40 йилдан буён “Навоий” тахаллуси “наво” “نوا” сўзига қўшилган икки “ё” “ى” ҳарфидан ташкил топган ёйи нисбат “ий” “يى” нинг ҳозирги ўзбек графикасида нотўғри “ий” шаклида ёзилиши қатъий қоида тусига кириб қолган... Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик бошланган 1930 йилларда ўша йиллардаги имло қоидаларига сунъий равишда мослаштириши (“ий” ва “ий”ни фақат бир формада – “ий” билан) ёки айрим қусурли қўлёзмаларда “ҳамза” орқали ёзилган нусхаларга таяниш туфайли бўлса керак, шоир тахаллусини “Навоий” шаклида ёзиш одат тусига кириб борди”. (Ҳамид Сулаймон. Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида. “Адабий мерос”. Ўзбек адабиёти тарихидан материал ва тадқиқотлар, 1977 йил, 9-сон, 43-бет). Демак, бундан яққол англашиладики, Навоий тахаллусини эски ўзбек ёзуви ва янги ўзбек лотин ёзувидан кирил (рус) ёзувига ўтиш жараёнида хато ёзиш оммалашган. Ҳеч қандай қонун-қоидасиз, ихтиёр-беихтиёр ғалат тахаллусни оммавий равишда ишлатиш – ғалати машҳурни келтириб чиқарган. Асли ўзи ғалат – хато бўлишига қарамай, машҳур

бўлиб кетган нарса халқ тилида “ғалати машхур” дейилади. Бундай ғалати машхурлар кўп. Лекин Навойидай буюк мутафаккирнинг тахаллуси оддий ғалати машхур эмас, у – тузатишга лойиқ ва мухтож. Ҳамид Сулаймоннинг чуқур текшириши натижаси, ишончи, хулосасига кўра: “*Ҳозирги ёзувимизда (тахаллуснинг) “Навойи” вариантини қабул қилишимиз ҳам имло, ҳам талаффуз, ҳам тарихий жиҳатдан тўғри бўлади... Тахаллус ва нисбалар сўз ундош ҳарфлар билан тугалланганда “ий”, унли ҳарфлар билан тугалланганда “йи” аффикслари билан ясалиши ўзбек тили тарихий грамматикаси ва фонетикаси учун қонуний ҳолат экан, бинобарин, шоир тахаллусини биз ҳам эски ёзувда аслига мувофиқ “یى”, ҳозирги графикамизда эса “Навойи” ёзиши қоидасини қабул қилмоғимиз керак (ўша мақола, 44-45-бетлар)*”. Афсуски, бу тадқиқот ҳаётий акс-садосига, амалий татбиқига эришмади. Навойи тахаллусини аслига мувофиқ тўғри ёзиш ҳақида на бирор қоида, на бирор фармон, фармойиш, қарор қабул қилинди. Орадан кўп йиллар ўтди...

Атоқли навойишунос, профессор Абдукодир Ҳайитметов “Мерос ва ихлос” китобидаги “Текстологик хато – бош хато!” сарлавҳали мақоласида тахаллуслар имлоси масаласини кўтарди ва мазкур муаммога ижобий муносабат билдирди: “*Навойи*” тахаллуси ҳам аслида “Навойи” деб ёзилиши ва ўқилиши керак. Чунки улуг шоир тахаллуси қўлёзмаларда шу хилда ёзилган. Масалан, Ҳусайний “*Ғам ема, маҳзун кўнгулким, дилрабоинг келгуси*” деб бошланган газалида шоир номини “*ишратфизойинг*”, “*ҳумойинг*”, “*раҳнамойинг*”, “*ойинг*” каби сўзларга қофия қилади:

*Эй Ҳусайний, қилмағил ишрат навосинким, букун*

*Ким, гулистони нишотингга Навойинг келгуси.*

“*Навойи*” деб ёзиши шоир шеърларини вазн нуқтаи назаридан тўғри ўқишни ҳам қийинлаштиради. Мазкур шеърни ҳам шоир тахаллусини “*Навойинг*” деб ўқиш мумкин эмас. (А.Ҳайитметов. Мерос ва ихлос. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1985. 117-118-бетлар).

Тахаллуснинг имлоси тўғрисида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1990 йил 9 ноябрь сонидан бизнинг “То тузди навойи ояти ишқ...” сарлавҳали мақоламиз билан баҳс-мунозара кўтарилганида, академик Алибек Рустамов “Навойи” вариантини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шунга қўшимча бир шаклни тавсия этган. Унинг фикрига кўра, тахаллус “асли “Навойи” дир. Чунки “یى” даги иккита “ё” иккита “й”ни, “зер” “и”ни билдиради”. Эҳтимол, бу фикрни араб тили грамматикаси назарияси жиҳатидан асослаш мумкин дир. Лекин амалда бирорта қўлёзма манбада тахаллус қўшимчасининг “суқун” ва “зер” билан ёзилган шаклини учратмадик. Агар асли шундай бўлса, бирор манбада котиб бу муҳим муаммога ишора қилиши керак эди.

Матбуотдаги қизғин баҳс-мунозара, исбот ва далиллар жамоатчиликда ишонч уйғотди. Бир муддат “Халқ сўзи” газетаси ва “Муштум” журналида тахаллуснинг тўғри имлосига ўтилди. Бироқ тахаллусни қандай ёзиш ҳақида бирор қарор қабул қилинмаганлиги ва маъмурий буйруқбозликка ўрганилганлиги сабабли, жамият махсус қарорга эҳтиёж сезди шекилли, яна хато имлога қайтди.

Биз 1998 йили “Шарқ” нашриётида чоп этилган “Истиқлол ва она тилимиз” номли китобимизнинг бир қисмини ҳам шу муаммони ёритишга бағишлаганмиз. Китобнинг барча бобларида Навойи тахаллуси аслидагидек чоп этилди. Биз кейинги даврда чоп этилган барча китобларимизни, шу жумладан, олий ўқув юртлари учун тайёрланган “Ўзбек адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми)” номли дарслигимизни (тендр асосида вазирлик томонидан турли нашриётларда 4 марта нашр этилди), “Қаро кўзум” ғазали тадқиқи” номли монографиямизни (“Мухаррир” нашриёти, Т., 2021 йил), “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” монографиямизнинг 3-нашрини (ANORBOOKS, Т. 2023) ва илмий тўпламлар ҳамда “Маърифат” газетасидаги кўп мақолаларимизни Навойи тахаллусининг асл имлосида нашр этмоқдамиз. Нега нашриётлар, мухаррирлар ва олимлар бизга тўсқинлик қилишмаяпти? Чунки улар илмий жиҳатдан тўғри йўлда турганимизни тушунишяпти. Биз “Китоб имлосидаги айрим хусусиятларга изоҳлар” беришга мажбур бўляпмиз. Нега мажбурмиз, нега ҳақиқат учун битта ўзимиз курашяпмиз? Навойи тахаллусини тўғри ёзиш фақат бизга керакми? Йўқ, жамоатчилик лоқайд эмас, у ҳақиқат қайта-қайта исботланган бўлишига қарамай, қатъий ва узил-кесил қарор қабул қилинишига илҳақ.

Тахаллуснинг тўғри талқинини амалга оширишга, йиллар мобайнида шаклланган “Навойи” деб ёзиш анъанасидан воз кечишга на навойишуносларда, на давлат ва жамиятда, на матбуот идораларида журъат етмаяпти. Афтидан, ғайриилмий анъананинг мустаҳкам ўрнашгани, халқ “Навойи” атамасига жуда кўникиб кетгани, бунинг устига, айрим номутахассисларнинг ўша ғалати машҳурни қўллаб-қувватлаётгани аксиомани қайта-қайта исботлашни талаб қилаётганга ўхшайди. Физика-математика фанлари доктори Абдулла Аъзамовнинг “Жадид” газетаси 2024 йил 9 февраль сониде эълон қилинган “Навойи ёмон бўлса, сен яхши бўл” сарлавҳали мақоласи салкам 25 йиллик сукунатни бузди ва тахаллуснинг хато имлоси тўғрилигини даъво қилди. Анъанага садоқат ва уни бузиш ўринли-ўринсизлиги масаласида шуни айтиш керакки, минг йиллик тўғри ва муқаддас анъана олдида Алишер Навойи тахаллусини “-ий”лаштириб ёзиш анъанасининг умри қисқа. Аслида, қадимий анъана, қоида нотўғри бузилган. Шунинг учун бугунги омонат

анъанадан воз кечиб, ота-боболаримиз анъанасини тикласак, хатони тузатган бўламиз, холос. Навойидай улуғ зотнинг тахаллуси ҳақида баҳслашиш шаккокликдай туюлиши мумкин. Лекин, башарти, исботлаш, ишонтириш зарурати бор экан, бунга яна бир бор уриниб, биргаллашиб фикрлашиб кўрайлик.

А.Аъзамов таб тортмасдан: *“Даҳо шоир тахаллусини “Навойи” дегувчи адабиётшунослар йўқ эмас. Бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди”*, дейди. Хўш, *“Навойи” дегувчи адабиётшунослар*” кимлар? Ўзимизни ва бошқа махсус муносабат билдирмаган адабиётшуносларни соқит қилганимизда, улар камида академик Алибек Рустамов, профессорлар Абдурауф Фитрат, Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов. Бир физика-математика фанлари докторининг бутун умрини Алишер Навойи ижодиётини тадқиқ этишга сарфлаган титан адабиётшуносларга шак келтириши олимлик одобига, инсоф ва адолатга тўғри келадими? Боз устига, бу олимлар кўлэзма манбалар асосида илмий тадқиқот олиб борганлар, физик-математик эса замонавий нашрлар юзасидан фикр юритади. Кўлэзма манбалар таҳлили орқалигина тўғри ечим топиш мумкин бўлган навойишуносликнинг энг нозик масалаларидан бирига араллашишга, наинки араллашиш, ҳукмфармолик қилишга унинг маънавий ҳуқуқи борми? А.Аъзамов, адабиётшуносликда анча-мунча иш қилганига қарамай, барибир, бу соҳада нокасбий (нопрофессионал), лаёқатсиз (компитентсиз) эканлигини ошкор этиб қўяди. У: *“... атойи, гадойи, фидойи, бинойи каби шакл сўзга жўнлик маъно оттеногини бериб, тахаллусларга хос бўлиши лозим потетикани, шоирона инжаликни йўққа чиқаради. Навоий эмас, Навойи дегувчилар айнан мана шуни эътиборда тутаётган бўлсалар, бунини очиб баён қилишлари лозим”*, дея адабиётшуносларни боши берк кўчага тикмоқчи бўлади. Адабиётшунослар *“бунини очиб баён қилган”* бўлсалару, А.Аъзамов кўрмаган бўлса, ким айбдор? Ўзаги унли товуш билан тугаган тахаллуслар “-йи”, ўзаги унли билан битган тахаллуслар “-ий” кўшимчасини олиши Ҳ.Сулаймоннинг биз эслатган мақоласи ва бизнинг зикр этилган мақоламизда очиб баён этилган. Катта адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддиновнинг диссертацион тадқиқотида ҳамда *“Ҳақиқат ва мажоз”* монографиясида ҳам Атойи тахаллусининг тўғри ёзилиш шакли илмий асослаб берилган. Бу – ҳар хил шахсий майлларга итоат этмайдиган тилдаги умумий қонуният.

Мақолада ўринсиз эътирозлар, кимга қаратилганлиги номаълум иддаолар кескин жаранглайди. *“Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навойи ёмон бўлса, сен яхши бўл”*байти ҳақида фикр юритар экан, муаллиф: *“Бу байтдаги навосиз ва навобахш сўзларини куй билан боғлаш гирт бемаънилиқдир”*, дея ёзғиради. Хўш, ким, қайси адабиётшунос бу сўзларни куй билан боғлабди? Агар, мабодо,

кимда-ким шундай талқин этган бўлса, уни зарда қилмасдан, очиқ айтиш илмий танқид маданиятидан бўларди.

Илмий асосга эга бўлмаган мана бу жумлага эътибор беринг: *“Навойи, гадойи, видойи сўзлари луғатда (?) бор, аммо вафойи, муаммойи, ҳалвойи, нажми, сафойи, бадойи, фанойи, зебойи, зийи сўзлари мавжуд эмас, бу сўзларга ўзакдош, “Мажолис ун-нафоис”да зикр этилган тахаллуслар Вафойи, Муаммойи, Ҳалвойи, Нажмий ва ҳоказо эканлиги шубҳасиз”*. Биринчидан, дунёда луғатлар кўп, улар турли тилларда, турли ёзувларда, қайси луғат назарда тутиляпти? Иккинчидан, А.Аъзамов қўлёзма манбалар ёки жуда бўлмаса, навойишунос олима Суйима Ғаниева томонидан тузилиб, нашр этилган “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнини кўрганида, зинҳор бундай даъво қилмас эди.

Навойи тахаллусининг омонимик хусусияти, яъни икки маънолилигини А.Аъзамов кўп ўринда ихом санъати дея талқин этади. Ҳатто, бир ўринда бор барака қилиб, *“уч қават ихом”* деб ҳам юборади. Шеърятда сўзнинг ҳар қандай кўпмаънолилиги ихом бўлавермайди. Муаллиф таҳлилга тортган мисоллар ихом эмас, тажнисдир. Шунда ҳам, агар “Навойи” эмас – “Навойи” ёзилсагина, тажнис бўла олади. Ихомни тажнисдан наинки бошқа соҳа мутахассиси, ҳатто, унча-мунча адабиётшунос ҳам ажрата олмайди. Шу боисдан кўп адабиётшунослик китобларида, юзлаб тестларда тажнис ҳодисаси ихом дея талқин этилган. А.Аъзамов “Қаро кўзум...” ғазали таҳлилида ҳам ихомга тўғри таъриф бера олмаган: *“Иҳом – шеърдаги сўз бир неча маънога эга бўлибгина қолмай, бу маъноларнинг ҳар бири ҳам умумий мазмунга мувофиқ келишидан иборат санъат, яъни тажниснинг нозик ва нафис шакли”*. (Жаҳон адабиёти, 2004 йил, февраль сони, 156-163-бетлар). Бу – ихомни етарли билмаслик ва қадрламаслик. Ихом тажниснинг тури ё шакли эмас. Бадиият илмида ҳар бир санъатнинг ўз ўрни бор. Бадииятда ихом тажнисдан баланд туради. У – жуда ноёб ҳодиса. Тажнис қўллашда устаси фаранг бўлиб кетган ҳар қандай шоир ҳам ихом қўллаёлмаслиги мумкин. Шоирнинг маҳоратини кўрсатаман деб, албатта, йўқ ердан ихом топиб чиқаришимиз шарт эмас.

Иҳомнинг жуда нозик ўзига хослигини бадииятшунос олим Ёқубжон Исҳоқов қуйидагича тушунтиради: *“Шоир икки маъноли сўзни шеърда (насрода ҳам бўлиши мумкин) шундай маҳорат билан ишлатадики, натижада, ўша сўзни ҳар икки маъносидан ҳам тушуниши мумкин. (Санъатнинг бу ҳолати ҳали ихом эмас – тажнис. Ихомнинг хос, сеҳрли хосияти кейинги жумлаларда баён этилади – Н.Ж.) Бироқ маънонинг бири ошкора ва иккинчиси яширин ифодаланади. Шоирнинг мақсади эса одатда ана шу иккинчи яширин маънони изҳор қилишдан иборат бўлади”*. (Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги.

“O‘zbekiston”, T., 2014, 61-бет). Ихом санъатига Ё.Исҳоқов келтирган намуналар орасида энг ёрқин мисол Бобурнинг қуйидаги байтидир:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нечун ҳолим ямон қилди – мен ондин бир сўрорим бор.*

Байтдаги санъатни Ё.Исҳоқов қуйидагича изоҳлайди: “Байтнинг 2-мисрасида ихом санъати мавжуд. Ўқувчи дастлаб мисранинг мазмунини “Нега ҳолим ёмон қилди, Мен ундан бир сўрамоқчиман” тарзида тушунади. Агарда гап маъшуқанинг лаби устида бораётганлигини эътиборга олсак, шоирнинг мақсади бошқача бўлганлиги ва мисранинг мазмуни ҳам чуқурроқ эканлиги маълум бўлади: “Сўрорим бор” юзаки қараганда “Сўрамоқчиман” тарзида тушунилса-да, шоирнинг мақсади унинг иккинчи маъноси билан, яъни “сўрмоқ” (бўса маъносида) билан боғланган” (ўша китоб, 59–60-бетлар). Мана бу – ҳақиқий ихом. Бунда иккинчи маънони яширин, сирли ифодалашнинг сабаби ҳам бор. Бу - маънонинг ошкора ифодалашга мос бўлмаган уятлилик хусусиятидир. Шу уятлиликни шоир яшириш (хаспўшлаш) мақсадида шеър мухлисини биринчи – юзаки маънога чалғитади. Фақат нозиктаб, зукко шеърхонгина уни илғаб олади. Ана шундай яширин, нозик маъно ифодаламаган тажнис ихом бўла олмайди.

Низомиддин Алишер таҳаллусининг “Навойи” шаклини инкор этиб, “Навойи” деб ёзишимизга қуйидагича асослар бор. Бу ўзаро алоқадор асослар бир-биридан келиб чиқади, бир-бирини қувватлайди ва тақозо қилади.

1. Адабий таҳаллус халқнинг миллий, маданий, лисоний бойлиги ҳисобланади ва унинг қисмати ҳуқуқий жиҳатдан ўша халқнинг Давлат тили ҳақидаги қонуни ихтиёри ҳамда муҳофазасидадир. Масалага Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни талабларига мувофиқ ёндашсак, адабий таҳаллуслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, миллий-тарихий анъаналарга мувофиқлаштириб, аслидагидек ёзилади. Бу қонун, бевосита, Навойи ва бошқа мумтоз адибларимиз таҳаллусларига ҳам тегишли.

2. Эски ўзбек ёзувида таҳаллус “نوای” тарзида ёзилади. “نوای” тарзида “ҳамза” билан ёзилиши айрим ҳоллардагина учрайди. “Ҳамза” белгисидан “Навойи” ёзилгани англашилмайди. “Наво” сўзи унли билан тугаллангани учун, “Ё”-йи нисбат” олдидан яна бир “ё” орттирилган ва ёзувда иккита “ё” ёнма-ён “یى” тушиб қолган. Имло қоидасига мувофиқ, шу икки “ё”дан бири “ҳамза” орқали қисқартириб ифодаланган.

3. Тарихий қўлёзма ва босма манбаларда ҳам “Навойи” шакли қўлланиб келган. (Қаранг: Лондон, Британия музейи, қўлёзма № 401, Навойининг биринчи расмий девони – “Бадое ул-бидоя”нинг 1482-83 йилда кўчирилган нусхаси; Озарбайжон Илмлар академияси, қўлёзма № 3010, “Бадое ул-бидоя”нинг 1484

йилда кўчирилган нусхаси; Тошкент, Ўз Р ФА Адабиёт музейи, қўлёзма № 84, “Бадое ул-бидоя”нинг 1486 йилда кўчирилган нусхаси; Тошкент, Ўз Р ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 3984, XV аср охирида Султонали Маиҳадий кўчирган терма девон). Аслиятга энг яқин манбалар – шоирнинг ўз дастхати, деб тан олинган қўлёзма девонида ва унинг “Илк девон”ида ҳам тахаллус “Навойи” тарзида қўлланган. (Қаранг: 1466 йили кўчирилган қўлёзма, хаттот Султонали Маиҳадий, Санкт Петербург, Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхона, 564-рақам).

4. Шоир тахаллусининг “Навойи” шакли ўзбек тилининг талаффуз (орфоэпия) талабларига тўғри келмайди. Ўзбек тили талаффузи табиатига “Навойи”даги сингари икки унли ёнма-ён келиши (ои) хос эмас.

5. Тахаллуснинг “Навойи” шакли – сунъий ва китобий. Шунинг учун ҳам, шоир тахаллусини китобдан ўзлаштирган ўқимишли кишилар уни “Навойи” тарзида бемалол талаффуз қиладилар. Китобга суянмаган оддий халқ вакиллариининг эса бундай талаффузга тиллари қовушмайди. Табиий равишда улуғ шоирни “Навойи” деб атайдилар ва бунинг учун биз баъзан уларни саводсизликда айблашдек ҳолларга борамиз.

6. Туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар ва бошқа эллар, жумладан, тожиклар, шоир таваллуд топган тупроқда истиқомат қилувчи Афғонистон ўзбеклари, афғонлар ҳам Низомиддин Алишерни “Навойи” деб улуғлайдилар. Турк арқадошларимиз “Невайи” деб ёзадилар ва айтадилар. Бобокалонимиз Навойи тахаллусини айтиш ва ёзишда биз – унинг ворислари – мустамлакачилик мафкураси ҳукмронлиги даврида наинки туркийлар, балки бутун дунёга қарши мавқеда турдик.

7. Тахаллуснинг “Навойи” имлосини шоир асарларининг бадиияти қонунлари, жумладан, вазн тақозо этади. Масалан, “Навойи”ни “Навойи” деб ёзиш тажрибаси баъзи ҳолларда асарлар вазни бузилиб кетишига сабаб бўлган:

*Дедим: “Эрур Навоий ўз дардиға чорасиз”, деди:*

*“Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай”.*

Ушбу байт “Бадое ул-васат” девонидаги 616-ғазалнинг мақтаси бўлиб, ғазал “*Ражсази мусаммани матвийи махбун*” вазнида битилган. Мазкур вазннинг оҳанг тасвири қуйидагича бўлади:

*Муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун*

*. – V V – V – V – – V V – V – V –*

Бундай оҳанг байтдаги тахаллус “қисқа – узун – узун” эмас, балки, “қисқа – узун – қисқа” бўғинлардан иборат бўлишини – Навойи ёзилишини тақозо этади. Вазн талабига риоя этсак, матннинг нуқсонсиз кўриниши мана бу ҳолатга келади:

*Деди-м+ “Эрур/ Навойи ўз/ дардиға чо/расиз”, деди*

*– V V –/ V – V –/ – V V –/ V – V –*

*“Ғар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай”.*

Бунда оҳанг тўсиқдан фориг бўлган сувдай ўйноқлаб оқади, ғазалхон ҳам мисранинг бирор нуқтасида қадалиб қолмайди. Тахаллус ўзининг табиий оҳанги ва имлосига муяссар бўлади.

8. Қофия қонуниятлари ҳам тахаллуснинг “Навойи” шаклида ёзилишини тақозо қилади. Бироқ, бахтга қарши, “Хазойин ул-маоний”даги 2600 ғазалнинг бирортаси мақтасида Навойи ўз тахаллусини қофия ўрнида ишлатганини учратмадик. Аммо шоирнинг бошқа асарлари, жумладан, “Бадое ул-бидоя” девони дебчасида ёрқин далилга дуч келдик:

*Вафо бўстонининг дostonсаройи,*

*Маломат булбули, яъни Навойи.*

Камтарона айтилган бу фахрияда “саройи”га “Навойи” қофия қилинган. Афсуски, бирорта нашрда бу ўриндаги тахаллус ҳам қофия қонуниятига мувофиқ берилмаган. Ҳамма нашрларда “Навойи” деб ёзилиб, қофия қондаси бузилган.

Навойи ғазалларида қофия ўрнида қўлланган бошқа тахаллуслар борки, бу ҳам масалани равшанлаштиришга хизмат қила олади. Бундай мисолларга муружаат этар эканмиз, сўзаро, туғилиши муқаррар бўлган мана бундай саволга ҳам жавоб юзага чиқиши табиий: “Тахаллуси ўзаги унли товуш билан тугалланган шоирларимизни Навойи, Гадойи, Атойи тарзида ёзишни қонунлаштиришимиз мумкин, бироқ ўзаги ундош товуш билан яқунланган тахаллусли адибларимизни – Кошгарий, Югнакий, Рабғузий, Хоразмий, Лутфий, Гулханий, Увайсий, Огаҳий... қандай ёзамиз?” Ҳақли савол, чунки бу борада номувофиқлик, ҳар хиллик келиб чиқмаслиги керак. Негаки, аслиятда – мумтоз ўзбек ёзувида унли билан тугалланган тахаллуслар ҳам, ундош билан тугалланган тахаллуслар ҳам бир хилда – “ё”(йо) ҳарфи билан яқунланган. Демак, тахаллуслар имлосидаги чалкашликлар ҳам араб алифбосидан воз кечиб, аввал лотин, кейинчалик кирил алифбосига ўтганимиз тарихига бориб тақалади. Биргина тахаллуслар имлоси муаммоси ҳам минг йиллик маданий мерос аслиятини тиклаш ва ундан тўғри, тўлиқ баҳраманд бўлиш учун эски ўзбек ёзувимизни унутмаслигимизни тақозо этади.

Қофия санъати ва тахаллус имлосига оид мисолларга ўтайлик. “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 650-ғазали мақтаси:

*Демангиз булбул Навойини, самандардекки бор,*

*Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.*

Бу ғазал нашрларида тахаллус анъанага кўра “-ий” кўшимчаси билан ёзилган ва анъанага садоқат йўлида қофия бадиияти қурбон қилинган. Яъни қофия тизими бузилган. Матладаги “партави”, “пайрави” қофияларидан ташқари, барча байтлардаги қофиялар “Хусравий”га мослаб “мунзавий”, “монавий”, “қавий”, “маънавий” тарзида ўзгартирилган. Асли буларнинг ҳаммаси, жанрнинг кейинги байтлар матлага мувофиқ қофияланиши қондаси ҳамда мумтоз ўзбек ёзувидаги шаклига кўра, “и” ҳарфи билан тугалланиши керак эди.

“Хазойин ул-маоний” куллиёти девонларининг нашрларида қофия санъати ва тахаллус имлосида турлича – палапартитиш йўл тугилган. “Наводир уш-шабоб”нинг 650-ғазали Ҳамид Сулаймон нашрида мақтадан икки байт олдинда келган Навоий тахаллуси нотўғри ёзилиб, Абулғози, Шерози тахаллуслари қофия талабига мувофиқ аслидагидек тўғри ёзилган:

*Навоий устади беҳуш ўзиники аҳли хирад  
Фалакнинг ўлмади бу ишда маҳрами рози...  
Бу ваъж бирлаки Соҳибқирон дебон лақабин  
Атоди хисрави Соҳибқирон Абулғози.  
Янаки нутқ илау руҳ ила етурди анга  
Фуюз орифи Жомию ринди Шерози.*

Агар бу ўринда ҳам тахаллуслар “Абулғозий”, “Шерозий” тарзида ёзилганида, бу “паризоди”, “эъжози”, “дамсози”, “парвози”, “андози”, “оғози”, “рози”, “сози” каби қофия унсурларига тўғри келмас ва ғазал бадииятига путур етар эди. Аммо, афсуски, ундан 30-40 йил кейинги нашрлар, Навоий мукамал асарлари ва тўла асарлар тўпламида барча тахаллуслар нотўғри қўлланиб, ғазалнинг қофия тизими бузилган. Даврлар оша тараққиёт ўрнига таназзул.

Девоннинг 584-ғазали мақтасида ўзгача ҳол:

*Навоий назм аро тийғи забонин уйла сурдиким,  
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий.*

Бунда қофия бадиияти қонунларига зид иш тугилган. “Боки”, “чоки”, “кўлоки”, “хошоки”, “фитроки”, “ғамноки”, “идроки”, “афлоки”, “токи” қофияларига ҳамоҳанг тарзда тахаллус “Саккоки” ёзилиши лозим эди.

“Бадое ул-васат” девонидаги 650-ғазал мақтаси:

*Навоий фарду беҳуш ўлгонин деманг қачондиндур,  
Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий.*

Бу ерда ҳам тахаллус анъанага кўра ёзилгани учун ғазалнинг қофия тартиби бузилган. “Оми”, “роми”, “туландоми”, “шоми”, “пайғоми”, “ошоми”, “эҳроми”, “гоми”, “исломи” қофия унсурларига “Жомий” қофия қилинган. Бу

холда, қофия бадииятини сақлаб қолиб, тахаллус “Жоми” тарзида ёзилса, асар ҳам китобхон ҳам зарар кўрмасди. Қофиядаги сўнги товуш чўзиқ “и” унлиси.

9. Энг муҳими, адибнинг ўзи “Навойи” сўзини қўллар экан, ундан фақат тахаллусни билдириш учун фойдаланмайди, унга бадиий матн мазмунига мос маъно юклайди. Адабий тахаллус замирида, албатта, кўламли бадиий муддаолар ётадики, бу етакчи асосни муфассал таҳлил этиш имконияти кенг.

Навойи назмда тахаллус воситасида аксари ҳолларда тажнис яратади. Байтларда, кўпинча, шоир “наво” сўзини бир неча марта қўллаш орқали сўз ўйини қилади. Сўз ўйини жараёнида “наво” сўзлари тахаллус билан бевосита мантиқий, маъновий алоқага киришади. Тахаллус таркибидаги “наво” сўзига тахаллуслик хизматидан кўра масъулиятлироқ бадиий вазифа юкланади. “Навойи”ни “Навой” ёзсак, сўз ана шу масъул вазифасини бажаролмай қолади, бадиий сўзнинг кўпмаънолилигига путур етади. “Навойи” калимасини фақат тахаллус хизматини ўташга мажбур этамиз, ҳаракат доирасини чеклаймиз, асардаги бошқа сўзлар билан мантиқий, маъновий, шаклий алоқаларини узиб қўямиз. Биргина “Ғаройиб ус-сиғар” девонида “Навойи” тахаллусининг тажнисга, сўз ўйинига асос бўлган кўп маъноли қўлланишига доир йигирмадан ортиқ байт учрайди. Мақсадга мувофиқ равишда, уларнинг баъзиларини шарҳлаб ўтиш жоиз кўринади.

*Кўрмасам қошинг, бўлурмен тургоним бирла фиғон,*

*“Войи” эрур бас, чу бўлмаса “Навойи” бирла “нун”. (Ғ.С. 467)*

Ушбу байт шоирнинг ўзи тахаллусини “Навой” эмас – “Навойи” деб юритганидан гувоҳлик берувчи энг муҳим далиллардандир. Шоир мақтанинг биринчи мисрасида “*Маҳбубанинг қошини кўрмасам, турган-битганим фиғонга айланади*”, деган фикрни изҳор этар экан, иккинчи мисрада тахаллусдан сўз ва ҳарф ўйини яратиш орқали шу ҳолатни бадиий шарҳлайди, чиройли асослайди. Равшанки, “Навойи” тахаллуси “нун” ҳарфи билан бошланади. “Нун” ҳарфи эса мумтоз бадииятда маҳбуба қошининг тимсолига айланган. Мазкур байтда маҳбуба қошини кўрмаслик – унинг висолига муяссар бўлмасликни ифодалаб турибди. Лирик қахрамоннинг маҳбуба қоши васлисиз ҳолати “нун”идан ажралган “Навойи” билан баробар. “Навойи” “нун”идан жудо бўлганида эса, унинг фақат “войи” қолади, яъни лирик қахрамоннинг аҳволи “вой” бўлади. Энди тахаллусни “Навой” шаклида ёзиб, байтни таҳлил этиб кўрингчи, шоир кўзлаган маъно чиқармикин? Асло чиқмайди! Демак, тахаллуснинг “Навойи” ёзилиши хато. Байт бадиияти, ундаги шоирнинг ўз имзоси эътирофи тахаллуснинг “Навойи” ёзилишини талаб қилади.

*То тuzди Навой ояти ишқ,*

*Ишқ аҳли аро наво бўлубтур. (Ғ.С. 161)*

Бу ўринда ҳам тахаллуснинг “Навойи” ёзилиши вазн мезонини бузган. Ҳазал “ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур” вазнида битилган:

*Мафъувлу мафоилун мафоийл*

– – V V – V – V – ~

Кўриниб турибдики, тахаллус иккинчи рукнга, “-йи” қўшимчаси эса қисқа бўғинга тўғри келади. Демак, шаклан, тахаллуснинг “Навойи” ёзилиши қонуний. Энди масалага мазмун жиҳатидан ёндашайлик. Агар биринчи мисрадаги тахаллусни “Навойи” ёзсак, унинг иккинчи мисрадаги “наво” сўзи билан лафзий алоқадорлиги сақланади, лекин маънавий-мантиқий алоқадорлиги барҳам топади. Биринчи мисрада “Навойи” икки вазифани бажариб турибди, аввало, шоирнинг тахаллусини, иккинчидан, “ишқ оятининг оҳанги” маъносини англатаётир. “Наво”дан кейин нисбий сифат ясовчи “-ий” қўшимчаси ёзилса, шу иккинчи маъно чиқмай қолади. Мазкур маъно чиқиши учун фақат форсий изофа талаб қилинади. Изофа эса, “Наво” сўзи унли товуш билан тугагани учун, “-йи” тарзида қўшилади, тахаллус “Навойи” кўринишини олади. Агар тахаллус “Навойи” ёзилса, байтдан тугал мазмун ва унинг тасавури англашилиши учун нимадир етмайди, нимадир ўз ўрнида эмасдай туюлади. Бу – тахаллусдаги “оҳанг” маъносининг бой берилгани, тахаллус ва иккинчи мисрадаги “наво” сўзи орасидаги алоқанинг узилиши оқибати. Тахаллусни “Навойи” ёзишимиз билан, ҳамма нарса жой-жойига тушади ва асл мазмун юзага чиқади. Ушбу фахрия байтдан англаб оламизки, Навойи ўзининг ишқий қисмати, маслағи, муҳаббат тарихи ва лирикаси билан ишқ эътиқодининг шундай бир нодир оятини яратди ҳамда бу оятнинг соҳир, ибратли, умумбашарий оҳангини кашф этдики, у жамики, бор инсониятнинг эътиқодига, мадҳиясига айланди. Навойи тузган ишқ ояти оҳанги ишқ аҳлини ҳаракатлантирувчи, руҳлантирувчи, ҳаёт тарзини белгиловчи кучга эврилади. Буни Навойи назмини мутолаа этган ҳар бир қалб аниқ ҳис қилиши мумкин.

*Навойи сури мотам бўлдиким, бор*

*Сурудди айши афгон бирла мамзуж. (Ғ.С. 95)*

Бу байтда ҳам “-йи” қўшимчаси изофа вазифасини бажариб келган. “Навойи” сўзи тахаллуслик вазифаси билан бирга, байт мазмунига мувофиқ, наво, оҳанг, садо маъноларини ифодалайди. Тахаллуснинг “суруд” сўзи билан параллел келиши улар орасидаги мустаҳкам бадиий занжир борлигидан далолат. Тахаллус мана шуларнинг бари ҳисобга олиниб ёзилсагина, байтдан бундай мазмун англашилади: *“Тўй ва мотам куйлари бирйўла чалиндиким*

*(яъни, тўй билан аза бир бўлди), бу хурсандлик ва қайғу қўшиқлари қоришиб кетган ҳолатга ўхшарди”.*

Тахаллусга асос бўлган “наво” сўзининг бирламчи маънолари “оҳанг”, “куй”, “қўшиқ”, “садо”лардан иборатки, унинг бадий имкониятлари кўпроқ чолғувчи ва соз билан боғлиқ байтларда акс этган.

*Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлига, тонг йўқким,  
Навойи риштайи жонин эшиб чангига тор этмиш (F.C. 243)*

Лирик қаҳрамоннинг жон ришталаридан жонбахш наволар таралади. У жон риштаси наволаридан эшиб созанда чалаётган чангнинг торларига улаган. Демак, шунинг учун муғанний яратаётган оҳанг базм аҳлига жон бағишласа, ажабланмаслик керак.

Агар чолғувчи сози “Навойи риштайи жони” билан йўғирилмаса, ундан озикланиб турмасачи? Унда, тирилишга тескари ҳодиса юз беради, бамисоли жон узилади:

*Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилгасен, эй ишқ,  
Навойи риштайи жонин муғанний удининг тори. (F.C. 624)*

Ҳалокат юз бермаслиги учун, лирик қаҳрамон қудратли ишқдан “муғанний удининг тори”ни “Навойи риштайи жони”дан бунёд этишни илтижо қиляпти. Асосий мақсаддан чекиниб бўлса ҳам, қайд этиш керакки, бу фахриялар Навойи санъат оламида нақадар малакали созанда ва зукко санъатшунос бўлганлигининг далили ҳамдир.

*Муғанний, бир навое туз, навойи нағмае кўргуз,  
Аёқчи, томса тут тўққузки, доройи жаҳон келди. (F.C. 591)*

Навойи асарлари луғатларида “нағма” сўзи – куй, Навойи замонасида чалинган куйлардан бирининг номи тарзида изоҳланган. Бунда шоир созандадан Нағма навосини чалишни сўраётган бўлади. Аммо, назаримизда, “нағма” сўзи, айниқса шу ўринда, ҳазиломуз, шўх, ҳажвий куй маъноларига ҳам эга. “Нағма” сўзига “ўйин” ва “томоша” маънолари ҳам дахлдор. Шоир бу байтда чолғувчидан ҳазиломуз, шўх бир куй чалишни сўраётир. Агар тахаллус “Навойи” ёзилса, тахаллус ва “нағма” сўзлари ўртасида изофа қўлланмаса, лирик қаҳрамон чолғувчидан бир куй, Навойидан яна бир куй чалишни сўрагандай бўлиб чиқадики, бу бадий мантиққа тўғри келмайди.

Камдан-кам ҳолларда бўлса ҳам, бадий мазмунга мутаносиб, шартли равишда, Навойи тахаллуси “Навое” шаклида ёзилади. Бунда “наво” сўздан кейинги қўшимча изофа вазифасини эмас, “ё”-йи ваҳдат ва “ё”-йи накаре” – форс тилидаги бирлик ва ноаниқлик “ё”-йи вазифасини бажаради ҳамда “е” ёзилади. Форс тилидаги бу “ё” бирлик ва ноаниқликни бирйўла билдиради ва “қандайдир бир”, “шундай бир”, “бирор бир” каби маъноларни ифодалайди. У қўлланганида, тахаллуснинг эски ўзбек ёзувидаги шаклида мутлақо ўзгариш бўлмайди.

*Баски Навое айлади дард сурудиди наво,  
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси. (Ғ.С. 626)*

Бу байтда “Навое” сўзи тахаллусликдан ташқари, “шундай бир куй” маъносини ифодалаган. Бу – байтдан қуйидагича яхлит маъно чиқишини таъминлаган: *“Навойи дардангез оҳангда шундай бир дардли, мунгли куй чалди, яъни шундай бир гамгин руҳдаги назм яратдики, унинг теграсида бутун дард аҳли тўпланди, яъни Навойининг дардкаш назмига дард аҳли акс-садо бера бошлади. Ўзаро дардлашаётганлар мажлисининг мунгли навоси айш-ишратда, шод-хурсанд кун кечираётганларни ҳам йиғлатиб юборди”*.

*“Йўқ Навоий бедил ороми гам ичра, эй рафиқ”* (барча нашрларда шундай), деб ёзишдан тайинли бир мазмун чиқмайди. Чунки бу сатрдаги икки “ё”-йи ваҳдат...” ўз ўрнида ёзилмаган, бир қўшма сўз ажратиб ёзилган. “Ё”лардан бирининг ўрни тахаллусда. Матн аслияти мана бундай ёзилиши лозим:

*Йўқ Навое бедилороме гам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг, дилоромимга айт. (Ғ.С. 84)*

“Гам ичра” қолган лирик қаҳрамон ғазал ихлосманди билан дардлашяпти. У айтяптики: *“Инсон қайғу-алам қуршовида қолганида, дилоромсиз, яъни дилга яқин, дилнишин дўстсиз бирор-бир наво – ҳаётдан бирор-бир баҳра, умид, илинж, роҳат-фарозат, таскин-тасалли тополмайди. Бедилором киши – бенаво. Агар бирор тасодиф билан дилоромимни кўриб қолсанг, уни албатта, ушбу ҳолимдан хабардор эт”*. Демак, бундай далиллар ҳам Навойи тахаллусини аслига тўғри ёзишимизни талаб қилади.

Юқоридаги сингари далилларни кўплаб таҳлил этиш мумкин. Лекин исбот талаб қилмайдиган фикрни асослаш учун шу далиллар етарли деб, сўзни мухтасар этдик. Тилимиз, адабиётимиз ва умуман, маънавиятимизда бунга ўхшаш адолатли ечимини топиб, сўнгги нуқтани кўядиган муаммолар кўп. Ҳозир шу сўнгги нуқтани кўядиган давлат ташкилотимиз бор. Айни шундай

# JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN

## mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

вазифа, назаримизда, Давлат тилини ривожлантириш департаменти таркибидаги Атамашунослик комиссияси зиммасидадир. Атамашунослик комиссияси тадқиқ этилган муаммони холис экспертлар ёрдамида ўрганиб, якуний қарорини чиқариб, матбуотда эълон қилса, масала қонуний ечимини топган бўларди.